

«ДИЛШОДБЕК КАМРОНБЕК ОРЗУЛАРИ» МЧЖ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Д.Юлдашев фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва Хонка туман МТБ бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан мудир Ф.С.Сабилов фаолиятини кўрсатувчи иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

### 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ўзига тегишли мол-мулкни «Харидор»нинг мулки қилиб (доимий хўжалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

	Маҳсулот тури	Ўл. бир.	Миқдори	ҚҚС суммаси	Нархи	Умумий қиймати
1	Мол гўшти	кг	784	-	60000	47 040 000
	<b>Ж А М И</b>					<b>47 040 000</b>

### 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати 47 040 000 (қирқ етти миллион қирқ минг) сўмни ташкил қилади.

### 3. Тўлов шартлари

3.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30 фоизини олдиндан қолган 70фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури \_\_\_\_\_ тулов топшириқномаси \_\_\_\_\_  
(тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

### 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот «Харидор»га шартнома имзолангандан кейин 3 кун вақт ичида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: 2022 йил « 5 » январдан 2022 йил 31 декабргача ўз кучида қолади.

### 5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Харидор»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.1.2. «Сотувчи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «Сотувчи»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Харидор»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

### 6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 1 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

6.1.3. ВМ 08.05.2019 йилдаги 386-қарорига асосан «Сотувчи» «Харидор»га гўшт маҳсулотларини етказиб беришда ихтисослаштирилган замонавий сўйиш корхонасининг Ф-200 шаклдаги маълумотномасини тақдим қилиш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида маҳсулотни қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

6.2.3. Маҳсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

### 7. Тарафлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот берип вақтида шартнома бандлигига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1% миқдорда пеня тўлайди.

7.2. «Сотувчи» маҳсулотни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1 % миқдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош торгса, «Сотувчи» 0,1 % миқдорда жарима тўлайди.

7.5. Маҳсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, маблағ миқдоридан 0,1 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омборидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзд тутилган бўлса, «Харидор» хар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % миқдорида жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: C16U151514

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мажбуриятларида ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

## 10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

## 11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.

Ҳамда ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил Февралдаги ПК-594-сонли қарорига асосан Ҳазначиликда рўйхатга олингандан кейин қонуний кучга қиради,


11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: 11,3, Шартномага илова:-----

## 12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

Сотувчи	Харидор
Мол етказиб берувчи : «ДИЛШОДБЕК КАМРОНБЕК ОРЗУЛАРИ» МЧЖ	Бюджетдан маблағ оловчи Хонқа туман
	Мақтабгача таълим бўлими
Манзил: Хонқа туман Мадир кишлоғи Илғор маҳалласи	Манзил:Хонқа туман
Тел/Факс:	Тел/факс 39-92-713
Х/Р 2020 8000 8009 8790 0002	ш/х*100022860332237091100251002
Банк номи: АТ Халк банки Хонқа тумани филиали	Бюджетдан маблағ оловчи СРИР и 305155680
МФО: 00812	ОКОНХ 92400
СТИР: 306 028 419	Молия Вазирлиги Ягона Ҳазна ҳисобварағи
ОКОНХ: 71100	Ҳазна х/в 23402000300100001010
	Банк номи Тошкент ш,Марказий банкнинг
	Тошкент ш,ХККМ МФО 00014
	Ҳазначилик бўлинмаси СТИР и201122919
Раҳбар	Раҳбар
Д.Юлдашев	Ф.С.Сабиров

Изоҳ: \* - Бюджетдан маблағ оловчининг Ҳазначилик, Бўлинмасида очилган тегишли шахсий ҳисобварағи (шахсий

)кўрсатилади,



# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARHING QONUN XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA XUQUQIY XULOSA

№ СТ60151514

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi:


«Dilshodbek Kamronbek orzulari» MCHJ bilan Xonqa tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasida umumiy qiymati 47040000 so'mlik qora mol go'shti xaridi yuzasidan tuzilgan shartnoma loyihasi.

3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.

Xonqa tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022 yil 06 yanvar kuni ishlab chiqilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xonqa tuman yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuriskonsul'ti**



Z.Xaitov

2022 yil 08 yanvar